

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЛЕСАЛИЕВ ДАУРЕНБЕК ИХТИЯРОВИЧ**

**ЛОГИСТИК ТИЗИМЛАРДА**  
**ДОН ЮКЛАРИНИ ТАШИШ ТРАНСПОРТ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ**  
**МУЛЬТИМОДАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract Doctoral (DSc) Dissertation**

**Илесалиев Дауренбек Ихтиярович**

Логистик тизимларда дон юкларини ташиш транспорт жараёнларининг мультимодал технологиялари..... 3

**Илесалиев Дауренбек Ихтиярович**

Мультимодальные технологии транспортных процессов перевозки зерновых грузов в логистических системах ..... 29

**Pesaliev Daurenbek Ikhtiyarovich**

Multimodal technologies of transport processes for the transportation of grain cargo in logistics systems..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЛЕСАЛИЕВ ДАУРЕНБЕК ИХТИЯРОВИЧ**

**ЛОГИСТИК ТИЗИМЛАРДА**  
**ДОН ЮКЛАРИНИ ТАШИШ ТРАНСПОРТ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ**  
**МУЛЬТИМОДАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.4.DSc/T403 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Арипов Назиржон Мукарамович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Игамбердиев Хусан Закирович**  
техника фанлари доктори, профессор,  
академик

**Раҳмангулов Александр Нельевич**  
техника фанлари доктори, доцент

**Даусеитов Ерген Балгаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузурудаги PhD.15/30.12.2019.T.73.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил « 16 » 06 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 19 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66.

Диссертация автореферати 2021 йил « 02 » 06 куни таркатилди.  
(2021 йил « 02 » 06 даги 20 рақамли реестр баённомаси).



**А.И. Адилходжаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Я.О. Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Ж.Ф. Курбанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., доцент

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда дон юкларини етказиб бериш занжири тузилмасини ривожлантириш, дон етказиб бериш жараёнида ортиш-тушириш ишларида вагонларнинг меъёрдан ортиқ туриб қолишининг олдини олиш, шунингдек, дон юклари учун вагонларни бир маромда узатишни таъминлаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида ташиладиган донли юклар ҳажми ва уларни қисқа муддатда етказиб беришга бўлган талабнинг ортиши дон юкларини етказиб беришда юкларнинг туриб қолишини камайтириш ва ташишни жадаллаштириш имконини берадиган усуллар ва транспорт воситаларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан транспорт-логистика тизимида дон юкларини ташишнинг мультимодал технологиялари асосида транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда транспорт-логистика тизимлари ўтказиш қобилиятининг ривожланиш даражасини ошириш, юк ташиш усуллари ва воситаларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада дон юкларини ташиш жараёнини техник ва технологик таъминлаш даражасини ошириш, юкларни тушириш, сақлаш ва қайта ортиш жараёнини оптималлаштириш, дон терминалларини рационал жойлаштиришни аниқлаш ҳамда юк оқимини ҳисобга олган ҳолда етказиб беришнинг мультимодал схемаларини ишлаб чиқиш, вагонларнинг бир маромда келиши ва ҳаракатланувчи таркибларнинг талаб этиладиган мақбул миқдорини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда дон терминаллари ва темир йўл транспортининг ўзаро маъқул бўлган ҳамкорлигини таъминлаш масалалари, юкларни етказиб бериш занжири ҳамда дон юкларини ташишда транспорт жараёнларини ташкиллаштиришнинг илмий асосланган усуллари кенг кўламда ривожлантириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш инфратузилмасини янада кенгайтириш, ... транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини ҳал этишга йўналтирилган фаол инвестицион сиёсат, ... транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, ... ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, дон юкларини ташишнинг мультимодал тизимини техник ва

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

технологик таъминлашни такомиллаштиришда бу турдаги юкларни ташишнинг ноанъанавий усулларини жорий этиш орқали экспорт-импорт дон юклари учун хоппер-дон ташувчи вагонларни ажратиб бериш бўйича илмий таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 31 мартдаги 99-сон «Дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» ва 2019 йил 12 апрелдаги 305-сон «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш Маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Кўплаб мамлакатларнинг илгор илмий марказлари ва жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасаларида, хусусан University of Pennsylvania (АҚШ), Washington State University (АҚШ), Iowa State University (АҚШ), University of Saskatchewan (Канада), Agriculture and Agri-food Canada (Канада), The University of Queensland (Австралия), Curtin University of Technology (Австралия), Indian Institute of Technology Kharagpur (Ҳиндистон), National Institute of Technology Calicut (Ҳиндистон), Россия транспорт университети (Россия), Петербург давлат темир йўл университети (Россия)да дон юкларини ташиш соҳасидаги тадқиқотлар чуқур ва кенг кўламда олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда аралаш ташиш орқали дон юкларини етказиб беришни ташкил этишда транспорт жараёнлари технологияларини такомиллаштириш, шунингдек темир йўл орқали дон юкларини ташишда дон терминалларини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Дон юкларини ташишни ташкил этишдаги транспорт жараёнлари технологияларини такомиллаштириш бўйича дунёда олиб борилаётган тадқиқотлар асносида бир қатор илмий натижаларга эришилган, хусусан транспорт хаблари тизими орқали дон юкларини интермодал ташиш усуллари моделлаштирилган (Ҳиндистон), дон юкларини қайта ишлаш ва ташиш тизимлари такомиллаштирилган (Канада), дон юкларини ташишнинг бимодал технологиялари жорий этилган (Украина), дон маҳсулотларини дон терминалларида тезкор ташиш режалари ишлаб чиқилган (Россия), дон юкларининг блок-поездларда ҳаракатланишига доир илмий-услубий ёндашувлар яратилган (АҚШ).

Жаҳонда дон юкларини етказиб бериш логистика занжирини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: дон етказиб бериш логистика занжирида ташишларни режалаштириш усулларини ишлаб чиқиш; дон маҳсулотларини ташиш занжиридаги таркибий тузилмаларни аниқлаш; транспорт ва омбор мажмуаларининг асосий параметрларини ҳисобга олган ҳолда дон маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва истеъмол қилишни баҳолаш усулларини яратиш; қишлоқ хўжалиги логистика объектларини жойлаштириш моделларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дон юкларини ташишни ташкил этишдаги транспорт жараёнлари технологиясининг сифатини ошириш масалалари Lohithaksha M. Maiyara, Savannah W. Gleim, X.T. Туранов, В.Н. Зубков, Э.А. Мамаев, В.Н. Иванченко, Э.А. Гагарский каби олимларнинг изланишларида акс этган. Дон юкларини ташиш тизими инфратузилмасини ривожлантиришда D.G. Mogale, J.J. Thakkar, O.B. Маликов, А.А. Смехов, В.С. Горюшинский, И.В. Горюшинский, Л.Б. Миротин ишлари назарий асос бўлиб хизмат қилади. Умумий фойдаланишда бўлмаган йўллар ва туташ станцияларнинг ишлаш технологиялари J. Lavendels, G. Kogor, В.В. Повороженко, Г.П. Гриневич, А.А. Смехов, А.Н. Раҳмангулов ва бошқалар ишларида ўрганилган.

Мураккаблик ва ноаниқликнинг турли омилларини ҳисобга олиб, динамик объектларни бошқариш жараёнлари ва юқори самарадор бошқариш тизимини яратиш бўйича назарий ва амалий вазифаларни тадқиқ этиш масалалари В.К. Кобулов, Н.Р. Юсупбеков, Т.Ф. Бекмуратов, X.З. Игамбердиев, М.М. Камилов, П.М. Матякубова, И.Х. Сидиков, O.O. Зарипов каби мамлакатимиз олимлари ишларида акс этган.

Юкларни ташишнинг транспорт жараёнлари технологияси D. Huisman, Leo G. Kroon, С.Е. Бекжанова, Е.Б. Даусеитов, В.А. Кудрявцев, И.М. Кокурин, Г.М. Грошев ва бошқа олимларнинг ишларида ёритилган.

Ўзбекистонда юк ташиш жараёнларини бошқариш ва логистика тизимларида турли хил транспорт воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги соҳасида юкларни аралаш ташишни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича усуллар ва алгоритмларни ишлаб чиқишга Р.З. Нурмухамедов, К.Т. Худайберганов, И.И. Ибрагимов, Н.Н. Ибрагимов, Н.М. Арипов,

Т.Р. Нурмухамедов, Г.А. Саматов, А.А. Мухитдинов, Ш.А. Бутаев, А.М. Багдасаров, Л.А. Ахметов ва бошқа олимлар ўз хиссаларини кўшганлар.

Шу билан бирга, темир йўлнинг дон терминаллари билан ўзаро боғланиш технологияси етарли даражада ўрганилмаган, темир йўл орқали дон юкларини ташиш масалаларини тадқиқ қилишнинг комплексли математик моделлари ва усуллари ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, бугунги кунда дон юкларини ташишнинг муқобил усуллари бўйича ҳам таклифлар етарли эмас. Кўпгина тадқиқот ишлари юкларни аралаш турда ташишга бағишланган бўлиб, улар илмий натижаларни умумлаштиришга асосланган. Аммо мазкур ишларда логистика тизимларида дон юкларини мультимодал ташиш масалалари тўлиқ кўриб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган №ЎБВ-Атех-2018-221-сон «Универсал контейнерларда дон маҳсулотларини ташишнинг инновацион технологиялари» (2018-2020), №ЎБВ-Атех-2018-223-сон «Идиш-донали юкларни пакетларда ташишни ташкил этиш услубиятини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** логистик тизимларда дон юкларини ташиш транспорт жараёнларининг мультимодал технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

темир йўл транспорти иштирокида дон юкларини ташишни техник ва технологик таъминлашнинг бугунги кундаги ҳолати ва уни такомиллаштириш масалаларини тизимли таҳлил қилиш;

дон юкларини етказиб бериш занжирида «заиф жойлари» ва чекловчи омилларни бартараф этиш мақсадида уларни излаш ва аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

тизимли таҳлил асосида юк оқимлари параметрларининг хилма-хиллиги ҳамда ишлаш жараёнидаги бор бутун мураккабликларни ҳисобга олган ҳолда дон ташишнинг мультимодал технологиясига бўлган заруратни асослаш;

транспорт воситаларининг изчил қайта ишлашни таъминлаш мақсадида темир йўл станцияларига туташган дон терминаллари параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш;

дон юк оқимларининг кириш ва чиқиш параметрлари билан боғлиқ бўлган ишлаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда динамик объектлар – тушириш ва қайта ортиш дон терминалларининг бошқариш тамойилларини ишлаб чиқиш;



ҳосил йигим-терими авжига чиққан даврда экспорт-импорт юклари учун ихтисослашган ҳаракатланувчи таркибларнинг етишмовчилигини бартараф этиш бўйича техник ва технологик ечимларни тадқиқ этиш;

дон элеваторларининг технологик эҳтиёжларига кўра вагонларни мувофиқлаштирилган ҳолда узатиш йўллари излаш ва дон терминалларининг ишлаш барқарорлигини таъминлаш усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида темир йўл транспорти иштирокидаги аралаш халқаро қатновларда тўкилган ҳолдаги юкларни ташишни бошқариш тизимлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** транспорт логистика тизимларида дон юкларини ташишнинг мультимодал технологиялари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, йўналтирилган саралаш ва математик статистика усуллари, эҳтимоллик назарияси, оммавий хизмат кўрсатиш назарияси, етказиб бериш занжирларини бошқариш назарияси, омбор тизимлари назарияси, транспорт оқимларини бошқариш назарияси ва транспорт логистикаси назариясидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

дон етказиб бериш занжиридаги «заиф жойлар» ва чекловчи омилларни бартараф этиш усули дон терминаллари ва ер усти транспорт воситаларининг ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолаш асосида ишлаб чиқилган;

дон ташишда юк, идиш ва транспорт воситасининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда дон юкларини мультимодал ташишни ташкиллаштиришнинг янги ёндашуви ишлаб чиқилган;

дон ташиш мультимодал технологиясини рационал ташкиллаштириш учун дон терминаллари ва транспортнинг асосий ва ҳисобий параметрлари ажратиб олинган ҳамда асосланган;

турли транспорт воситаларининг самарали биргаликдаги ҳаракатида Марков тасодифий жараёнларини қўллаб, кирувчи ва чиқувчи юк оқимларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дон терминалларининг ишлаш моделлари яратилган;

транспорт жараёнларини бошқариш даражасини ошириш учун миқдорий ва режим-вақт мезонларини камайтириш асосида дон терминалларининг ортиш-тушириш участкалари параметрларининг макбул қийматларини аниқлаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган;

темир йўл транспорти ва юк ташиш хизматидан фойдаланувчиларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини ошириш учун Лотка-Вольтерр моделини қўллаш асосида дон терминалларининг технологик эҳтиёжларини ҳисобга олиб, вагонларни мувофиқлаштирилган ҳолда узатиш усули ишлаб чиқилган;

донни тўкилган ҳолда контейнерларда ташиш усулини жорий этиш орқали экспорт-импорт дон юкларини етказиб беришга ихтисослашган

ҳаракатланувчи таркибларнинг етишмовчилигини бартараф қилишнинг технологик ечимлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

темир йўл транспорти корхоналарининг ортиш-тушириш участкалари параметрларининг мақбул қийматларини излаш дастурий мажмуалари кўринишидаги инструментал воситалар ишлаб чиқилган;

элеваторлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда дон юқларини ортиш-тушириш операциялари учун транспорт воситаларини етказиб беришнинг изчиллигини таъминлашнинг автоматлаштирилган бошқариш тизими яратилган;

етказиб бериш жараёнида дон юқларини тўкилган ҳолда ташишдаги уларнинг бутлигини сақлашда универсал контейнерларнинг техник жиҳатдан яроқсизлик шартлари аниқланган;

универсал контейнерларда дон юқларини тўкилган ҳолда ташишларда миқдорий ва сифат кўрсаткичларни сақлаш ва хафсизликни таъминловчи техник воситалар ишлаб чиқилган;

ҳосил йигим-теримининг тигиз даврида донларни ташиш учун ихтисослашган ҳаракатланувчи таркиб етишмовчилигини бартараф қилиш мақсадида дон ташувчи вагон яратиш бўйича техник-технологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дон терминаллари ортиш-тушириш участкалари параметрларининг мақбул қийматларини излашнинг назарий жиҳатдан асосланган математик моделларига талаб этиладиган даражада мувофиқлиги, шунингдек дон юқларини тўкилган ҳолда универсал контейнерларда ташишнинг ишлаб чиқилган инновацион технологиясини бевосита ишлаб чиқаришдан олинган синов маълумотларига мослиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ташиш тизими элементларининг ўтказиш қобилиятини ошириш ҳамда универсал контейнерларда тўкилган ҳолда ташиладиган дон юқларини ўз вақтида ва сифатли етказиб бериш бўйича мақбул ечимларни излаш ҳисобига дон терминаллари ва турли транспорт воситаларининг унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган дон юқларини ташиш транспорт жараёнлари мультимодал технологияларини ташкил этишдаги илмий-назарий асослар, моделлар ва алгоритмлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти темир йўл транспорти корхонасининг қайта ишлаш қобилиятини оширишга хизмат қиладиган ортиш-тушириш участкалари параметрларининг мақбул кўрсаткичларини излашнинг инструментал воситаларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади. Дон терминалларнинг технологик эҳтиёжларига кўра вагонларни бир маромда узатиш учун ишлаб чиқилган автоматлаштирилган бошқариш

тизими юк оқими параметрларини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаларини ортиш-тушириш операциялари учун изчил етказиб беришни башоратлашда, шунингдек истеъмол даражасидаги балансдан огишишни баргараф этиш мақсадида вагонларни узатиш жараёнини тўғрилашда кенг қўлланиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Логистик тизимларда дон юкларини ташиш транспорт жараёнларининг мультимодал технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дон юкларини тўкилган ҳолда универсал контейнерларда ташишнинг мультимодал технологияси «Ўзбекистон темир йўллари» АЖда жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 17 декабрдаги 01/4116-20-сон маълумотномаси). Натижада дон ташишда транспорт ва логистик харажатларни 10% дан кўпроққа қисқартириш ҳамда дон юкларини етказиб бериш муддатини камайтириш имконияти яратилган;

темир йўл транспорти корхоналарининг ортиш-тушириш участкалари параметрларининг мақбул қийматларини излаш усуллари ва инструментал воситалар «Ўзбекистон темир йўллари» АЖда жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 17 декабрдаги 01/4116-20-сон маълумотномаси). Натижада юк операцияларини кутиш ва ортиш-тушириш ишларида вагонларнинг унумдорлигини ошириш, дон терминалларининг қайта ишлаш қобилиятини 1,07...1,15 мартага кўпайтиришга эришилган;

дон терминалларининг технологик эҳтиёжлари бўйича транспорт воситаларини бир маромда узатишнинг автоматлаштирилган бошқариш тизими «Ўзбекистон темир йўллари» АЖда жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 17 декабрдаги 01/4116-20-сон маълумотномаси). Натижада дон юкларини ортиш ёки тушириш учун транспорт воситаларини бир маромда ва изчил етказиб беришни аниқлаш ва вагонларни узатиш тартибга солиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 16 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 76 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 27 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 16 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 199 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, диссертация тадқиқоти натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ҳамда синов натижалари кўрсатилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**«Дон юқларини ташишни ташкил этиш тизимининг замонавий ҳолати»** номли биринчи бобда дон юқларини темир йўл транспорти орқали ташиш тизимининг замонавий ҳолати ёритилган. Ўзбекистонда логистиканинг етарли даражада ривожланмаганлиги сабаб ва оқибатлари ўрганилган, ушбу маълумотлар асосида логистика самарадорлигининг индексини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Халқаро қатновларда дон юқларини ташишнинг самарали занжирини яратиш ва лойиҳалаш усуллари қиёсий тадқиқ этилган. Аралаш ташишларга нисбатан учта гуруҳ бўйича талаблар шакллантирилган: дон юқларини ташишни ташкил этиш, дон транспорт-логистика инфратузилмасининг босқичма-босқич ривожланишини ўрганиш, темир йўл транспортининг дон терминаллари билан ўзаро ҳамкорлигини тадқиқ этиш.

Дон ташишнинг муқобил технологиясини излашнинг илмий асосланган таклифини киритиш мақсадида Ўзбекистонда темир йўл транспорти орқали дон юқларини ташишнинг мавжуд тизими ўрганилган ҳамда уни такомиллаштириш йўллари кўриб чиқилган.

Дон юқларини ўз вақтида ва бут ҳолатда етказиб беришни таъминлаш мақсадида Исикава диаграммаси асосида темир йўл транспорти орқали мазкур турдаги юқларни етказиб беришдаги техник-технологик муаммолар аниқланган (1-расм).

Дон юқларини темир йўл транспорти орқали етказиб беришнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганишда турли шарт-шароитлар ҳолатида етказиб беришнинг қиёсий услубияти ишлаб чиқилган (2-расм).


Ҳисоб-китоблар орқали дон юқларини ташиш нархининг ташиш масофаси ва юк транспорт партияси ўлчамига боғлиқлиги аниқланган. 500 км гача бўлган масофаларда дон маҳсулотларини махсус вагонларда ташиш нисбатан арзонлиги, 500 дан 1250 км гача бўлган масофаларда эса универсал вагонларнинг қулайлиги аниқланган. Шунингдек, дон маҳсулотларини узоқ масофаларга ташишда контейнерлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилган. Тадқиқот натижаларига кўра дон

маҳсулотларини универсал контейнерларда ташишнинг муқобил усулларини излаш ва яхшилаш зарурати ҳақидаги хулосалар баён этилган.

### Технологик



1-расм. Темир йўл транспорти орқали дон юкларини етказиб беришдаги техник-технологик муаммолар



2-расм. 1 т-км ҳисобидаги дон ташиш нархининг ташиш масофаси ва юк транспорт партияси ўлчамига боғлиқлиги

Етказиб бериш занжиридаги ташишнинг мультимодал технологиялари шароитида дон терминаллари ва турли транспорт

воситаларининг ишлаб чиқариш имкониятларини таққослаш асосида дон юкларини етказиб беришдаги «заиф жойлар» ва чекловчи омилларни излаш, аниқлаш ва бартараф этиш усули ишлаб чиқилган. Усул амалга оширилишини таъминловчи алгоритм 3-расмда келтирилган.

Дон етказиб бериш занжирининг етакчи технологик элементлар қувватига боғлиқ ҳолдаги суткалик ўтказиш қобилияти қуйидаги формал модел орқали аниқланган:

$$P_{ЕБЗ} = \max\{P_1; P_2; \dots; P_k; \dots; P_{n-1}; P_n\}, \text{ т/сут} \quad (1)$$

Ишлаб чиқилган алгоритм дон етказиб бериш занжирининг режалаштириш ва лойиҳалаш босқичидаги «заиф жойлар»ни идентифициялаш ва бартараф этиш имконини берган.

«Дон юкларини мультимодал ташиш тизими ишини тадқиқ этиш» номли иккинчи бобда тизимларнинг умумий назариясига мувофиқ ҳолда дон юкларини мультимодал ташишлар алоҳида тизим, яъни донни етказиб бериш ва олтита асосий ресурсларни тежаш каби асосий мақсадга эришиш учун яратилган ўзаро боғлиқ элементлар мажмуи сифатида кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Моддий ва ахборот нимтизимларидан ташкил топган «донни мультимодал етказиб бериш тизими» назарияси ишлаб чиқилган (4-расм).



4-расм. Донни мультимодал етказиб бериш тизимининг тузилиши

Донни мультимодал етказиб бериш тизимининг асосий таркибий қисмлари аниқланган: тизим мақсади; таркибий элементлари; тизим тузилиши; унинг ишлаши; атроф-муҳит билан ўзаро таъсири ва фаолияти натижалари. Донни мультимодал етказиб бериш тизимига параметрик тавсифланган, тизимнинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида параметрларининг асосий ва ҳисобий қийматлари ажратилган, шунингдек, тизим элементларининг ўзаро боғлиқликлари ва ўзаро таъсирлари қуйидаги ишлаб чиқилган формал математик моделлар асосида ўрганилган:

$$p = \{p_1, p_2, \dots, p_k, \dots, p_{n-1}, p_n\}, \quad (2)$$

$$q = \{q_1, q_2, q_3, \dots, q_k, \dots, q_{n-1}, q_n\}, \quad (3)$$

$$r = \{r_1, r_2, r_3, \dots, r_k, \dots, r_{n-1}, r_n\}, \quad (4)$$

$$s = \{s_1, s_2, s_3, \dots, s_k, \dots, s_{n-1}, s_n\}, \quad (5)$$

$$u = \{u_1, u_2, u_3, \dots, u_k, \dots, u_{n-1}, u_n\}, \quad (6)$$

$$v = \{v_1, v_2, v_3, \dots, v_k, \dots, v_{n-1}, v_n\}, \quad (7)$$

$$w = \{w_1, w_2, w_3, \dots, w_k, \dots, w_{n-1}, w_n\}, \quad (8)$$

$$x = \{x_1, x_2, x_3, \dots, x_k, \dots, x_{n-1}, x_n\}, \quad (9)$$

$$y = \{y_1, y_2, y_3, \dots, y_k, \dots, y_{n-1}, y_n\}, \quad (10)$$

$$z = \{z_1, z_2, z_3, \dots, z_k, \dots, z_{n-1}, z_n\}, \quad (11)$$

2-6 ифодалар орқали етказиб бериш занжирларидаги турли хил омборлар ва дон терминалларининг асосий ва ҳисобий параметрлари, 7-ифода – юк параметрлари, 8-ифода орқали эса транспорт оқими параметрлари тавсифланган. Транспорт воситалари параметрлари 9-11 ифодаларда келтирилган.

Параметрик ифодалаш асосида, дон тушириш ва қайта ортиш омборида жойлашган, дон юklarининг ёпиқ омборини сақлаш технологик участкаси асосий параметрларини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Шунингдек, тўқилган ҳолдаги донни ноанъанавий контейнерли ташиш учун мўлжалланган дон юкларини контейнерларини сақлаш технологик участкасининг асосий параметрларини аниқлаш алгоритми ҳам ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритм таркибига тадқиқот натижалари орқали олинган ҳамда дон юкларини ёпиқ омбори асосий ва ҳисобий параметрларининг ўзаро таъсири ва ўзаро боғлиқлигини ўз ичига оладиган қуйидаги математик ифодалар киритилган:

$$x_{омбі} = \varepsilon \left\{ \frac{B_{омб} - n_a \cdot B_a - B_0}{C_{нак} \cdot \sin \alpha + a \cdot \cos \alpha} \right\} \quad - \quad \text{ёпиқ омбор узунлиги бўйича ячейкалар сони;}$$

$$n_a = \varepsilon \left\{ \frac{L_{омб}}{L_{йўлак}} \right\} \quad - \quad \text{асосий кўндаланг йўлаклар сони;}$$

$$y_{омбі} = \varepsilon \left\{ \frac{L_{омб} - n_a \cdot L_a}{a + w} \right\} \quad - \quad \text{ёпиқ омбор эни бўйича ячейкалар сони;}$$

$$z_{омбі} = \varepsilon \left\{ \frac{H - h}{(C_{нак} + w) + b \sin \alpha \cdot \cos \alpha} + 1 \right\} + 1 \quad - \quad \text{ёпиқ омбор баландлиги бўйича ячейкалар сони;}$$

$$R_{омбі} = x_{омбі} \cdot y_{омбі} \cdot z_{омбі} \quad - \quad \text{дон юкларини ёпиқ омборидаги жойлашиш ҳажми;}$$

$$Q_{кит} = R_{омбі} \cdot \eta = R_{омбі} \cdot \frac{365}{\tau} \quad - \quad \text{дон юкларини ёпиқ омборининг сигими;}$$

$$\eta = \frac{365}{\tau} \quad - \quad \text{ёпиқ омбордаги юкларнинг алмашувчанлиги;}$$

$$R_{омбi} = \frac{Q_{ишл}}{\eta} = \frac{Q_{ишл} \cdot \tau}{365}$$

$$z_{омбi} = \varepsilon \left\{ \frac{H_э - h - h_{юк}}{(C_{нак} + w) + b \sin \alpha \cdot \cos \alpha} + 1 \right\} + 1$$


$$z_{омбi} = \varepsilon \left\{ \frac{H - h - h_n - h_p}{(C_{нак} + w) + b \sin \alpha \cdot \cos \alpha} + 1 \right\} + 1$$

$$m_i = \varepsilon \left\{ \frac{Q_{ишл} \cdot k_n}{365 \cdot x_n} \right\}$$

$$L_{омбi} = m \cdot l_{ваг}$$


- ёпик омборидаги юкларнинг тахминий жойлашиш ҳажми;
- штабеллёр қўлланилгандаги ёпик омбор баландлиги бўйича ячейкалар сони;
- кўприксимон кран-штабеллар қўлланилгандаги ёпик омбор баландлиги бўйича ячейкалар сони;
- омборга узатилиётган вагонлар сони;
- дон юклари ёпик омборининг узунлиги.

Тизим бир ҳолатидан бошқасига ўтиш жараёни тасодифий кечиши аниқланган. Шунга боғлиқ ҳолда, донни мультимодал етказиб бериш тизими фаолияти ривожланиб борувчи тасодифий жараён сифатида кўриб чиқилган. Марков тасодифий жараёнлар назариясига мувофиқ, донни мультимодал етказиб бериш тизими – ҳолати вақт бўйича ўзгарувчан  $W(t)$  физикавий тизим сифатида кўриб чиқилган. Тизим ҳолатини бир занжир бўйлаб чўзилган ҳолда тасаввур қилиш мумкин, ундаги ҳар бир ҳолат Марков узлуксиз занжирларининг «йўқ бўлиши ва кўпайиши» асосидаги тўғри ва тескари алоқаларга боғлиқдир. 5-расмда ҳолатлар графи кўринишидаги донни мультимодал етказиб бериш тизимини «йўқ бўлиши ва кўпайиши»нинг тасодифий жараёни кўрсатилган.



5-расм. Ҳолатлар графи кўринишидаги «йўқ бўлиш ва кўпайиш»нинг тасодифий жараёни

Донни мультимодал етказиб бериш тизими ҳолатлари ва ўтишларининг эҳтимоли, мумкин бўлган ҳолатлар ҳамда бир ҳолатдан бошқасига ўтишларни башоратлаш усуллари ишлаб чиқиш имконини беради, ўз навбатида ушбу усуллари мультимодал ташишларни ташкил этишда қўллаш мумкин (6-расм).



6-расм. Узлуксиз вақт жараёнида Марков занжирлари учун дон тушириш-ортиш терминалининг ҳолатлари графи



Шунингдек, Колмогоров усулидан фойдаланган ҳолда дон терминалларининг маълум бир ҳолатда бўлиш эҳтимоли динамикасини ифодаловчи муайян турдаги дифференциал тенгламалар тизими тузилган:

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{dP_1(t)}{dt} = -\lambda_{12}P_1(t) - \lambda_{13}P_1(t) + \lambda_{21}P_2(t) + \lambda_{31}P_3(t) + \lambda_{41}P_4(t) = \\ \quad = -P_1(t) \cdot (\lambda_{12} + \lambda_{13}) + \lambda_{21}P_2(t) + \lambda_{31}P_3(t) + \lambda_{41}P_4(t); \\ \frac{dP_2(t)}{dt} = -\lambda_{21}P_2(t) - \lambda_{23}P_2(t) + \lambda_{12}P_1(t) + \lambda_{32}P_3(t) + \lambda_{42}P_4(t) = \\ \quad = -P_2(t) \cdot (\lambda_{21} + \lambda_{23}) + \lambda_{12}P_1(t) + \lambda_{32}P_3(t) + \lambda_{42}P_4(t); \\ \frac{dP_3(t)}{dt} = -\lambda_{31}P_3(t) - \lambda_{32}P_3(t) - \lambda_{34}P_3(t) + \lambda_{13}P_1(t) + \lambda_{23}P_2(t) = \\ \quad = -P_3(t) \cdot (\lambda_{31} + \lambda_{32} + \lambda_{34}) + \lambda_{13}P_1(t) + \lambda_{23}P_2(t); \\ \frac{dP_4(t)}{dt} = -\lambda_{41}P_4(t) - \lambda_{42}P_4(t) + \lambda_{34}P_3(t) = \\ \quad = -P_4(t) \cdot (\lambda_{41} + \lambda_{42}) + \lambda_{34}P_3(t). \end{array} \right. \quad (12)$$

Тизимнинг тузилиши, элементлари, ишлаши ҳамда ташқи муҳит билан ўзаро таъсири бўйича техник-технологик ечимларнинг маъқуллигини аниқлаш имконини берадиган, донни мультимодал етказиб бериш тизими фаолияти натижаларини баҳолаш усули ишлаб чиқилган.


**«Темир йўл транспорти ва дон терминалларининг ўзаро ҳамкорлигини математик моделлаштириш»** номли учинчи бобда темир йўл транспорти ва дон терминаллари тизимининг ўзаро ҳамкор ҳаракати ифодаланган. Бунда дон юк оқимлари ҳамда ахборот оқимларининг узатилиши тизимнинг ташқи муҳит билан амалий таъсири сифатида намоён бўлган.

Юкланган ва бўш вагонларнинг темир йўл станциясига келиши, уларни юк операциялари учун дон терминалларининг шохобча йўлларига узатиш, шунингдек календар ойи ичида юкланган ёки бўш вагонларни станциядан жўнатиш жараёнлари ўрганилган. Аксарият ҳолларда зарурий вагонларнинг дефицити (етишмовчилиги) ёки профицити (ортиқчалиги) хавфи билан боғлиқ ноқулай вазиятлар юзага келиши аниқланган, бу ўз навбатида, станция ва шохобча йўлларида қийинчиликларга олиб келади.


Белгиланган вақт оралигида вагонларнинг туташ станцияга келиш эҳтимоли – эҳтимолларни нормал тақсимлаш қонунига бўйсунуши исботланган (7-расм). Кириш оқимлари станцияга етиб келганидан сўнг, дон терминалига узатилишидан олдин, трансформацияга учраши ва шу сабабли кўп ҳолатларда улар Пуассон тақсимлаш қонунига бўйсунуши аниқланган (8-расм).

Шу билан бирга, дон терминалларининг ортиш-тушириш участкаларида вагон оқимларига хизмат кўрсатиш вақтини тақсимлаш жараёни ҳам кўриб чиқилган. Вагонларнинг туриб қолиш давомийлигини аниқлаш мақсадида юк операциялари жараёнларининг хронометражли

кузатуви амалга оширилган. Маълумотларни қайта ишлаш асосида, статистик кузатувларни қайта ишлаш натижалари ва ушбу кузатувларни соддалаштирилган назарий тақсимлаш эгри чизиклари олинган.




7-расм. Станцияга келаётган вагонлар ўртача сонининг турли қийматлари бўйича назарий тақсимлаш эгри чизиклари ( $m^*_x$ ), ваг/кун



8-расм. Узатиладиган вагонлар ўртача сонининг турли қийматлари бўйича дон ташувчи вагонни дон терминалининг ортиш участкасига узатиш эҳтимолларини назарий тақсимлаш эгри чизиклари ( $\lambda$ ), ваг/кун

9-расмда хизмат кўрсатиш давомийлиги  $t^*_{хиз} = 42$  дақиқа ва хизмат кўрсатиш жадаллиги  $\mu = 0,024$  бўлганда вагонларга ортиш муддатини кузатиш натижаларининг гистограммаси келтирилган.



9-расм. Вагонларни дон терминалига нориянинг 50 тонна/соат тезликдаги унумдорлиги билан ортиш давомийлигининг статистик кузатувларини қайта ишлаш натижаларининг гистограммаси ва экспоненциал қонуниятга нисбатан ушбу кузатувларни яқинлаштирилган эгри чизиклари

Дон терминали параметрларининг мақбул қийматларини излаш ва аниқлашнинг математик моделини қуришда, технологик ортиш участкаларининг қайта ишлаш қобилияти  $Q_\phi$  – бошқариладиган параметр бўлиб белгиланган, у юк фронтлари тури, юк операциялари жараёнидаги транспорт воситалари (вагонлар, контейнерлар) миқдори  $m$ , бўшатиш бункерларининг таъминотчилари миқдори  $y$ , вагонларнинг ортиш ишлари остида туриши  $t_{хиз}^*$  ва иш сменаси вақти  $T_{см}$  билан аниқланган. Шунингдек, ўзгарувчи  $Q_\phi$ ,  $t_{хиз}^*$ ,  $t_m$ ,  $T_{см}$ ,  $Q_v$ ,  $m$  ва  $y$  лар орасидаги  $Q_\phi = \frac{T_{см} \cdot m \cdot (V_{mc} \cdot \gamma \cdot \phi)}{y \cdot (t_m + t_{хиз}^* + t_{кувши})}$

ўзаро муносабат орқали ҳисобланадиган муайян боғлиқлик ўрнатилган ва  $t_{хиз}^*$  ҳам ўз навбатида, нориянинг унумдорлиги  $Q_{coat}$  ва ортиш участкаларига узатишлар миқдори  $x_{II}$  га боғлиқ бўлади.

Ортиш участкаси параметрларининг мақбул қийматларини аниқлашнинг математик модели қуйидаги кўринишга эга: кириш оқими ва хизмат кўрсатиш турини берилган тавсифлари учун мақбуллаштириш мезонларини минимумга келтирадиган  $x_{II}$ ,  $m$ ,  $y$  ва  $T_{см}$  қийматларини аниқлаш керак:

$$C_{иш} = f(x_{II}, m, y, T_{см}) \rightarrow \min \quad (13)$$

Параметрларнинг катталикларига дон терминалининг ортиш участкаларидан фойдаланиш бўйича (эксплуатацион) мулоҳазалар орқали аниқланадиган чекловлар тизими таъсир этади:


$$\left. \begin{aligned} x_{II}^{\min} &\leq x_{II} \leq x_{II}^{\max}; \\ y^{\min} &\leq y \leq y^{\max}; \\ T_{см}^{\min} &\leq T_{см} \leq T_{см}^{\max}; \\ m^{\min} &\leq m \leq m^{\max}. \end{aligned} \right\} \quad (14)$$

бунда  $C_{иш}$  – йигма эксплуатацион харажатлар, минг сўм;  $m$  – узатишдаги дон ортиш учун транспорт восита (вагон ёки контейнер) ларининг сони;  $x_{II}$  – узатишлар сони, узат.;  $T_{см}$  – дон терминалининг иш вақти, соат;  $y$  – чиқариш бункери таъминлагичларининг сони (ёки тақсимловчи чиқариш қувурлари), дона.


$y$ ,  $z$  ва  $x_{II}$  параметрларнинг минимал қийматлари дон терминалари учун белгиланган иш ҳажмининг бажарилиш талаблари, максимал қийматлари – ажратилган ресурсларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Диссертация доирасида дон терминаллари параметрларининг мақбул қийматларини излаш ва аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган (10-расм).


Олинган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, ортиш участкаси харажатлари ва белгиланган параметрлар асосида узатишлар сонининг боғлиқлиги олинган. 11 ва 12-расмларда дон терминалининг иш вақти  $T_{см}$  саккиз соатга тенг деб олингандаги келтирилган харажатларни узатишлар сони билан боғлиқлик графиклари кўрсатилган.



10-расм. Дон терминаллари параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш алгоритми



11-расм.  $z = 1$  ва  $m = 1$  бўлганда дон туширишнинг бир нуқтали frontiдаги ортиш участкаси харажатларининг боғлиқлиги



12-расм.  $z = 4$  ва  $m = 4$  бўлганда дон туширишнинг кўп нуқтали frontiдаги ортиш участкаси харажатларининг боғлиқлиги

Дон туширишда, дон терминали параметрларининг мақбул қийматларини излаш ва аниқлашнинг математик моделини қуриш, донни ортишдагига ўхшаш тарзда амалга оширилади.


«Дон ташишларини ташкил этишда транспорт жараёнларининг инновацион технологияларини тадқиқ этиш ва амалда қўллаш» номли тўртинчи бобда дон юкларини универсал контейнерларда ташиш технологиясини қиёсий ўрганиш услубияти ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган. 1 тонна донни ташишнинг умумий нархи қуйидаги ифода орқали аниқланган:

$$c = \frac{1}{q} \cdot (C_{таш} + C_{тара} + C_{орт} + C_{туш}), \text{ минг сўм/т.} \quad (15)$$

бунда  $q$  – дон транспорт партиясининг ўлчови, т;  $C_{таш}$  – юк ташиш нархи, млн. сўм;  $C_{тара}$  – дон тараси (идиши) ва ўрама нархи, млн. сўм;  $C_{орт}$  – дон транспорт партиясини ортиш нархи, млн. сўм;  $C_{туш}$  – дон транспорт партиясини тушириш нархи, млн. сўм.

Транспорт тарасига ўралган дон юкларини универсал контейнерга рационал жойлаштириш усулини олдиндан излаш алгоритми ишлаб чиқилган. Мазкур алгоритм универсал контейнерлардан юк кўтарувчанлиги ва сизимига кўра самарали фойдаланиш имконини бериб, уни дон юкларининг юкланганлиги бўйича тўкилган ҳолда ташиш шароитларига яқинлаштиради.

Ишлаб чиқилган алгоритм асосида дон юкларини универсал контейнерларда ташишнинг транспорт партиясини ўлчами ва ташиш масофасига боғлиқликлари олинган. Дон юкларини контейнерларда ташиш самарадорлигини ҳисоблаш натижалари 13-расмда келтирилган.



13-расм. Дон юкини етказиб бериш нархи ва унинг ҳажмий оғирлигининг боғлиқлик эгри чизиклари

Универсал контейнерлар техник ҳолатининг дон юкларини тўкилган ҳолда ташиш сифат ва миқдорий кўрсаткичларининг сақланиб қолишига таъсирини тадқиқ этиш асосида ташилаётган дон юкларига хавф солувчи универсал контейнер техник яроқсизлик ҳолатларининг шартлари аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Универсал контейнер техник яроқсизлик ҳолатларининг шартлари (жадвалдан фрагмент)

№	Техник яроқсизлик турлари	Тасвирдаги кўриниши	№	Техник яроқсизлик турлари	Тасвирдаги кўриниши
1	Кузовнинг ички деворларидаги занг ва доғларнинг мавжудлиги		3	Тешикларни ички томондан беркитиш (пайвандлаш)	
2	Контейнер полидаги доғларнинг мавжудлиги		4	Эшикнинг ёпиб турадиган қисмлари носозлиги	

Моделлаштириш жараёнида, чекловчи элементлар усулини амалга оширувчи *Solid Works* дастурий таъминот асосида, универсал контейнернинг компьютер 3d модели ишлаб чиқилган. Ушбу модель тўкилган ҳолда ташиладиган дон юклари ва контейнерлар орасидаги ўзаро таъсирни ўрганишга хизмат қилади. Универсал контейнернинг юк билан ўзаро таъсирини имитацион моделлаштириш натижалари асосида,

конструкция элементларидаги максимал кучланиш айнан эшик ошиқ-мошиқларида меъеридан ортиб кетганлиги аниқланган.


Дон юкларини тўкилган ҳолда универсал контейнерларда ташиш сифат ва миқдорий кўрсаткичларининг сақланиб қолиши ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида диссертация ишида эшик тўсиқларининг вариантлари ишлаб чиқилди. Ушбу эшик тўсиқларининг мослигини баҳолашда, тўкилган ҳолдаги юкларнинг синов ташишлари амалга оширилган. Бевосита ишлаб чиқариш шароитларидаги синовлар тадқиқот жараёни натижасида яратилган эшик тўсиқларининг юклар бутлигини таъминлашини кўрсатган.

**«Дон ташиш мультимодал технологияларининг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш»** номли бешинчи бобда вагон турлари ўртасида «рақобат»га эга дон терминалларига темир йўл транспорти орқали хизмат кўрсатиш транспорт жараёнлари ўрганилган. Ушбу жараёнларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, рақобат ва бошқа кўринишдаги ўзаро таъсирларни моделлаштириш учун қўлланиладиган Лотка-Вольтеррнинг классик модели иккита қўшилувчиларни киритиш орқали кенгайтирилган:


$$\begin{cases} \frac{dN}{dt} = aN - bNP - eN^2; \\ \frac{dP}{dt} = -cP + dPN - fP^2. \end{cases} \quad (16)$$

бунда  $e$  ва  $f$  – вагон турлари ўртасидаги «рақобат» натижасида бўш ва юкланган вагонлар миқдорининг камайишини ифодаловчи мос ҳолдаги коэффициентлардир.

Транспорт жараёни, бу ҳолатда  $e$  параметрининг қиймати ва ишорасига боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланган. Бўш вагонлар сонининг юкланган вагонларга берилган дастлабки нисбати орқали эллиптик шакллар кўринишидаги хизмат кўрстатишни фазовий тасвирлари олиниб, дон терминаллари ишининг барқарорлиги исботланган (14-расм). Сўнувчи тебранишлардан сўнг вужудга келадиган вагон турлари ўртасидаги «рақобат» таъсири аниқланган (15-расм).




14-расм. Тизимнинг логистик тузатишларга эга фазали тасвири




15-расм. Юкланган вагонларнинг келиши ва бўш вагонларни жўнатишнинг ўзгариш динамикаси графиги

$e$  коэффициентининг манфий қийматида стационар нукта бекарор бўлади (16-расм), бўш ва юкланган вагонлар миқдорининг тебраниш амплитудаси ўсиб боради (17-расм).



16-расм. Тизимнинг  $e$  қийматлари манфий бўлганда логистик тузатишга эга фазали тасвири



17-расм. Юкланган вагонларнинг келиши ва бўш вагонларни жўнатишнинг ўзгариш динамикаси графиги

Лотка-Вольтеррнинг кенгайтирилган модели транспорт жараёнида кўп кузатиладиган вагонлар миқдорининг даврий ўзгаришини тадқиқ этиш имконини ҳам беради.

Тадқиқот асосида, дон терминаллариининг технологик эҳтиёжларига кўра вагонларни мувофиқлаштирилган ҳолда узатиш усули ишлаб чиқилган. Мазкур усулнинг вазифаси, донни мультимодал ташиш тизимидаги ишларнинг барқарорлигини ифодаловчи – вагонларнинг мунтазам таъминлаш соҳасини аниқлашдир. Усулдан фойдаланиб, транспорт воситаларининг етишмовчилиги хавфи вужудга келадиган соҳалар, етишмовчиликнинг рухсат этилган хавфи соҳаси, барқарор таъминлаш соҳаси, профицит вужудга келишининг рухсат этилган хавфи ҳамда транспорт воситалари профицити хавфи соҳаси ажратилган.

Вагонлар етишмовчилиги ёки ортиқчалиги хавфи соҳасига тушиш эҳтимоли вужудга келганда, диссертация ишида юкланган ёки бўш транспорт воситаларини узатишни тўғрилаш тавсия этилган. Учинчи бобда олинган натижалар асосида вагонларни мувофиқлаштирилган ҳолда узатиш қуйидагича амалга оширилиши мумкин: станцияга келиш тасодифий катталигининг математик кутишини  $\gamma \cdot \sigma$  га ошириш таклифи берилган (2-жадвал), бу ерда  $\gamma$  – Буль ўзгарувчиси;  $\sigma$  – ўрта квадратли оғишиш.

2-жадвал

Вагонларни ортишга узатишни моделлаштириш натижалари (жадвалдан фрагмент)

№	Матем. кутиш, т.с.	Ўрт. кв. огиш., т.с.	$\pm 0,5\sigma$	Матем. кутиш $+0,5\sigma$	Матем. кутиш $-0,5\sigma$
1	10,11	3,00	4,50	14,61	5,61
2	14,91	2,90	4,35	19,26	10,56
3	15,10	7,29	10,93	26,03	4,165
4	16,42	4,09	6,13	22,55	10,28
5	19,83	6,26	9,39	29,22	10,44



Юкларни ташишнинг мультимодал технологияларида, транспорт жараёнларини ташкил этишдаги мувофиқлик устувор аҳамиятга эга бўлиб, у бўш ёки юкланган транспорт воситаларининг юк терминаллариغا келиш барқарорлигини таъминлайди. Мувофиқлик ихтисослашган ҳаракатланувчи таркибнинг туриб қолиши ёки технологик етишмовчилиги ҳолатлари юзага келишининг олдини олишда ёрдам беради.

Мамлакат ҳудуди бўйлаб дон юкларини ташиш эҳтиёжларини қондириш мақсадида ихтисослашган ҳаракатланувчи таркибнинг етишмовчилигини бартараф қилиш учун дон ташувчи вагон яратиш бўйича техник-технологик ечимларни илмий-асослаш масаласи қўйилган. Шу мақсадда *Solid Works* дастурий таъминотида дон ташувчи вагоннинг компьютер модели ишлаб чиқилган (18-расм). Дон ташувчи вагоннинг компьютер модели реал инерциал ва геометрик тавсифларга эга кузов кўринишида намоён бўлади.

Дон ташувчи вагонда тўртта юқоридан ортиш ва саккизта тушириш люклари мавжуд (19-расм). Шунингдек, пломба босиш учун 4 та штурвал ва юқори барча тўртта люкларни ёпишга хизмат қиладиган механизм мавжуд.

Чиноз – Тошкент юк бекати участкасида синовли ташишларни амалга ошириш орқали, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқариш жараёнида синаш ва ишончилигини текширишга эришилган. 43925684 рақами остидаги дон ташувчи вагон Чиноз станциясидаги шохобча йўлига бугдой ортиш учун узатилган. Ортишдан олдин вагон тарозисида 150 тонна ҳисобидаги таранинг назорат ўлчови ўтказилган, юқори ортиш люкларининг маҳкам ёпилганлиги текширилган. Бугдой ортилгандан сўнг дон ташувчи вагон юки билан бирга назорат учун тарозида тортилган. «Тошкент дон маҳсулотлари Чиноз филиали» юк жўнатувчисининг бешта кўргошинли пломбалари босилган.



18-расм. Дон ташувчи вагон модели



19-расм. «Ўзтемирйўлмаштаъмир» УК негизида ишлаб чиқилган дон ташувчи вагон

Юкнинг туширилиши Тошкент юк бекати станциясига туташувчи дон терминалининг тушириш участкасида амалга оширилган. Юкни тушириш олдидан «Тошкент дон маҳсулотлари» АЖнинг вагон тарозисида

таранинг назорат ўлчови амалга оширилиб, сўнг юк туширилган. Бугдойни синов тариқасидаги ташиш жараёни ишлаб чиқилган дон ташувчи вагоннинг ташилаётган юклар бутлигини таъминлашини кўрсатган.

